

УЎТ: 634.12.632.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАНУБИДА ПЕКАН ЁНҒОҒИНИНГ НАВ- НАМУНАЛАРИНИ ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Мирзаев Абдужаббор Эргашевич

*Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва
виночилик илмий тадқиқот институти*

*Сурхондарё илмий тажриба станцияси илмий ишлар бўйича
директор ўринбосари*

Аннотация

Мазкур мақолада пекан ёнғоғининг Ўзбекистонга илк бор кириб келиши, танланган нав намуналарини ҳосилдорлиги, дегустация баҳолари ёритилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида етиштирилган пекан ёнғоғининг афзалликлари ва ишлаб чиқариш учун унинг боғларини яратиш ҳақида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Пекан ёнғоғи, нав намуналари, ўсиши, ривожланиши, тадқиқот, мағиз, дегустацион баҳолаш, ҳосилдорлик, вариантлар, кўрсаткичлар.

Кириш. Мамлакатимизда ёнғоқ мевалилар экин майдонларини асосан тоғ ва тоғ олди ҳудудларида кўпайтириш ҳамда келгусида уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутун дунёда ана шундай ёнғоқмевалилардан пекан ёнғоғига бўлган қизиқиш кучаймоқда. Бу ёнғоқнинг халқ хўжалигидаги кенг кўламли аҳамияти уни илмий асосда ўрганиш заруриятини тақозо этди. Бугунги кунда кўплаб давлатларда аҳолини йил давомида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бир қанча қийин кечмоқда, бунинг сабаби иқлим ўзгаришлари, она табиатнинг ҳар хил химикатлар билан ифлосланиши, техникани ҳаддан зиёд ривожланиши, инсонларнинг табиатга кам эътибори, шунинг учун аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, истеъмолчилар талабини ўзимизда етиштирилган мева маҳсулотлари ҳисобига тўла қондириш ҳамда экспорт салоҳиятини сезиларли ошириш масалаларига алоҳида катта эътибор қаратилмоқда ва янгидан-янги нав намуналари меваларни ўрганиб, уларнинг энг сифатли, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамли бозоргир навларини ишлаб чиқаришга тавсия қилиш борасида илмий кузатув ишлари олиб борилмоқда.

Пекан-(*Carya olivaformis* Nutt. С. Pекан) ёнғоқдошлар оиласига кария туркумига мансуб ёнғоқ мевали дарахт. Пекан–грек ёнғоғига яқин бўлиб, ватани шимолий Америка. У ерда етиштирилатган пекан ёнғоқлар ишлаб чиқариш

аҳамиятига эга бўлиб, 150 минг гектар майдонларни эгаллаган. У тез ўсувчи дарахт бўлиб, бошланишига 2-3 йилда 50 смдан 1 метргача, сўнгра 10-15 йилда 7-10 метргача, кейинчалик эса 20 метрдан 30-36 метрга ўсади. Пекан ёнғоқларининг мамлакатимизга кириб келиши собиқ Иттифоқ даврида бошланган, иқлимлаштириш мақсадида 1909 йил Кавказ, Батуми, Сочи ва Сухумида экилган ва биринчи саноат боғи Россиянинг Житомир вилоятида 2018 йилда экилган. Сўнгра 1934 йили Ўрта Осиёга кириб келган ва 1948-49 йилларда Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди ҳисобланган Сурхондарё илмий тажриба станциясида илк бор экилган.

2017 йил 1 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда асосан ёнғоқчиликни ривожлантириш, ёнғоқ мевалилар майдонини кенгайтириш ҳамда уларни ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда оқилона жойлаштириш, ёнғоқчилик бўйича илмий базани мустаҳкамлаш, янги истиқболли ва серҳосил навларни жорий этиш, шунингдек ёнғоқ маҳсулотларини етиштириш ҳажмини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш борасидаги вазифалар белгилаб берилган.

Юқоридаги қабул қилинган ҳужжатлар ва белгилаб олинган чоратадбирларнинг ижросини таъминлаш борасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари ва олимлари ёнғоқзорлар ташкил қилиш ва улардан юқори сифатли мўл ҳосил олиш мақсадида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Натижада бозорларимиз ҳозирги пайтда арзон ва сифатли мева маҳсулотларига тўлаётганлиги бунинг яққол исботидир. Бунга эришишда жорий йилда ёнғоқ экинларнинг майдонларини қулай бўлган тупроқ-иқлим шароитларида кўпайтириш, серҳосил навларни танлаш ҳамда улардан витаминга бой туйимли ва юқори сифатли ёнғоқ маҳсулотлари етиштиришга сезиларли эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқот услуби: Тадқиқотлар “Мевали, резавор - мевали ва ёнғоқмевалилар навларини ўрганиш усули ва дастури” (Мичуринск, 1973) асосида ўтказилди.

Маълумотлар Б.А.Доспехов (1979) услуби бўйича дисперсион таҳлил қилинди. Дала тажрибалари Академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти томонидан тасдиқланган методик иш дастурига мувофиқ ўтказилди.

Тадқиқот натижалари: Пекан ёнғоғининг 10 та нав намуналари устида дала тажрибалари олиб борилиб, илмий кузатувлар асосида фенологик фазалари, ҳосилдорлиги ва бошқа биологик хусусиятлари ўрганилди. Тажрибаларда пекан

ёнғоғининг морфо-биологик хусусиятларини аниқлашда 1-вариант назорат варианты қилиб олинди ва қолган вариантлар унга таққосланиб ўрганилди.

Нав намуналарнинг ҳосилдорлиги бўйича ўтказилган 3 йиллик кузатув ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, “Ҳосилдор” (назорат) нави ўртача 82,2 кг/т ёки 82,2 ц/га ни ташкил этиб, ўрганилаётган навлардан юқори бўлди, назорат вариантга нисбатан таққосланганда ўрганилаётган бошқа навларга нисбатан “Гигант”, “Капалак” ва “Фахр” навлари юқори ҳосилдорликка эга бўлди (57,6 кг/туп ёки 72,1 ц/га, 77,8кг/т ёки 77,8 ц/га, 67,6 кг/т ёки 67,6 ц/га).

Навлар ичида энг олдин “Капалак” нави 4-12 октябр кунлари пишиб етилди ва ҳосилни йиғиштириб олиш жараёнида қоқиб олишга энг қулай нав ҳисобланади.

“Гигант” нави эса ёнғоқ меваларининг йириклиги ва жилдорлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

“Ўзбекистон”, “Аҳил” ва “Денов” навларида ўртача ҳосилдорлик 60,6 ц/га дан 67,6 ц/гача ташкил этди, энг паст кўрсаткич “Холис”, “Колумбия” ва “Кичик мевали” навларида 35,3-58,2-59,1кг/т ёки 55,1-58,2-59,1 ц/га эканлиги кузатилди (1-жадвал).

Пекан ёнғоғининг ўртача ҳосилдорлиги, ц/га

1-жадвал

№	Вариантлар ва навларнинг номланиши	Экиш схемаси, м ²	2018 й		2019 й		2020 й		Ўртача 3 йиллик	
			кг/т	ц/га	кг/т	ц/га	кг/т	ц/га	кг/т	ц/га
1	Ҳосилдор(н)	10x10	80.0	80.0	85.0	85.0	81.6	81.6	82.2	82.2
2	Гигант	10x8	58.0	72.5	58.0	72.5	57.0	71.2	57.6	72.1
3	Капалак	10x10	77.0	77.0	80.0	80.0	76.6	76.6	77.8	77.8
4	Фахр	10x10	50.0	50.0	75.0	75.0	78.0	78.0	67.6	67.6
5	Холис	8x8	50.0	62.5	36.0	56.1	36.0	56.1	40.6	58.2
6	Колумбия	10x8	55.0	68.7	45.0	56.2	42.0	52.5	47.3	59.1
7	Кичик мевали	8x8	38.0	59.2	35.0	54.6	33.0	51.5	35.3	55.1
8	Ўзбекистон	10x10	75.0	75.0	65.0	65.0	63.0	63.0	67.6	67.6
9	Аҳил	8x8	40.0	62.4	41.0	63.9	42.0	65.5	41.0	63.9
10	Денов	10x10	70.0	70.0	58.0	58.0	54.0	54.0	60.6	60.6

Пекан ёнғоғидан ўтказилган дегустация натижаларига кўра, мевасини ташки кўриниши деярли бир хил бўлсада, шакллари бир-биридан кичик катталиги билан фарқ қилди. Меваларнинг ранги қорамтир-жигар рангда бўлиб мағзи мазали. Истеъмол қилинганда мағзи бироз бодом таъм беради. Дегустация баҳоси бўйича 3-вариантда 4.9 баллини ташкил этиб, энг юқори кўрсаткичга эга

бўлди. Назорат варианты ва 2-вариант 4.8 баллни ташкил этди. Вариантлар ичида энг паст кўрсаткич 7-10-вариантда бўлиб, 4.6 баллни ташкил этди. (2-жадвал).

Пекан ёнғоғининг дегустация натижалари

2-жадвал

№	Вариантлар ва навлар номланиши	Мевани ташқи кўриниши	Мевани ранги	мағзин и таъми	Умуми й балл, “5” балли шк.
1	Ҳосилдор (назорат)	Узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.8
2	Гигант	Узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.8
3	Капалак	узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.9
4	Фахр	Узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.8
5	Холис	Узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.7
6	Колумбия	Узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.8
7	Кичик мевали	Обил-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.6
8	Ўзбекистон	Узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.6
9	Аҳил	Узун-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.6
10	Денов	Обил-конуссимон	Қорамтир-жигар	мазали	4.6

Гигант нави- Сурхондарё илмий тажриба станциясида нав намуналаридан танлаш йўли билан ажратиб олинган. Дарахтининг баландлиги 20-23 метр, ёнғоқ мевасининг диаметри-2.3-2.8 см, вазни ўртача 12.2-13.3 гр, шакли конуссимон, қаттиқ қобиғи қалин, силлик, ранги жигар қора чизиқли, мағзи ранги сариқ, мағиз ўртасида қаттиқ парда тортилган, мағиз чиқиши-42.8-51.8%, ёғ чиқиши-71.9-73.3%, дегустацион баҳоси 4.8 балл, рентабеллик даражаси ўртача-206.5%, ҳосилдорлиги 72.0 ц/га, ёнғоқ меваларининг пишиш вақти октябр ойининг иккинчи декадаси, ҳосилга кириш даври 7-8 йил, пайвандланса 4-5 йил, сақлаш ва ташилувчанлиги юқори.

Капалак нави- Сурхондарё илмий тажриба станциясида нав намуналаридан танлаш йўли билан ажратиб олинган. Дарахтининг баландлиги 24-29 метр, ёнғоқ мевасининг диаметри-2.0-2.2 см, вазни ўртача 4.5-6.75 гр, шакли конуссимон, қаттиқ қобиғи юпка, силлик, ранги жигар қора чизиқли, мағзи ранги сариқ, мағиз ўртасида қаттиқ парда тортилган, мағиз чиқиши-48.9-63.3%, ёғ чиқиши-72.0-73.9%, дегустацион баҳоси 4.9 балл, рентабеллик даражаси ўртача-230%, ҳосилдорлиги 77,8 ц/га, ёнғоқ

меваларининг пишиш вақти октябр ойининг биринчи декадаси, ҳосилга кириш даври 7-8 йил, пайвандланса 4-5 йил, сақлаш ва ташилувчанлиги юқори.

ХУЛОСА. Сурхондарё вилояти шароитида катта майдонларда пекан плантацияларини барпо қилиш ва уларда тадқиқотлар натижасида танлаб олинган пекан ёнғоқ навларини етиштириш ва дала четларига эхота дарахтлар сифатида экиш орқали юқори иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Сабаби, ҳар йили дарахтлар алмашилиб, мўл ҳосил беради, асосан гуллаш жараёни апрель ойида ўтганлиги сабабли гулларининг эрта баҳорги совуқларидан азият чекмайди, экспорт учун қулай маҳсулот ҳисобланади.

Сурхондарё вилояти шароитида пекан ёнғоқлари зараркунанда ва касалликлар билан кам зарарланади ҳамда ундан экологик тоза табиий ёнғоқ мевалари етиштирилади.

Сурхондарё вилоятининг табиий иссиқ иқлими шароитида етиштирилган пекан ёнғоқлари Республикаимизнинг бошқа ҳудудлари ҳамда хорижий мамлакатларда етиштирилган маҳсулотлар билан солиштирганда унинг таркибидаги инсон организми учун фойдали озиқа моддалар кўп миқдорда тўпланиши тажрибаларда ўз исботини топди.

Олиб борилган тажрибалар ва кузатувларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, пекан ёнғоғининг юқори серҳосилли навлари Сурхондарё вилоятининг табиий тупроқ-иқлим шароитида кўпайтириш учун мос. Истиқболли навларидан пекан ёнғоғи плантациялари яратиш ҳамда мева ва кўчатларини етиштириш агротехнологиясини ишлаб чиқиш қишлоқ хўжалигининг маълум бир тармоғини ривожлантиришга асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. 2017 йил 1 июн куни Ўзбекистон Республикаси президентининг “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори.

2. А.А. Рыбаков., С.А. Остроухова “Ўзбекистон мевачилиги”. – Т.: Ўқувчи, 1981.

3. А.М.Қучқаров, А.Э.Мирзаев “Пекан ёнғоғининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги” Республика илмий ва илмий-техник анжумани мақолалари тўплами. 2019 йил 26 сентябрь.

4. М.Ровский, “Трек ёнғоғи ва пекан”. Тошкент-“Меҳнат”-1954й.

5. Н.Т.Астанакулов, А.Э.Мирзаев, Ж.М.Очилдиев “Америка пекан ёнғоғи истиқболли мева”, ”Тавсиянома” Денов-2020 й.